



Реал самарали алмашув курси шарҳи


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Реал самарали алмашув курси шарҳи

2022 йил апрель

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг апрель ойида ҳам пасаювчи тенденция қайд этиб, март ойига нисбатан қарийб 1,4 фоизга қадрсизланди (2021 йил мос даврига нисбатан 1,7 фоизга қадрсизланган бўлса, базавий ой – 2019 йилнинг сентябрига¹ нисбатан 4,6 фоизга мустаҳкамланди).

Номинал ва реал эффектив алмашув курслари индекси динамикаси



Апрель ойида реал самарали алмашув курсининг қадрсизланишига асосан **савдо-ҳамкор давлатлардаги юқори инфляция даражаси ҳамда валюта курсларидағи турли йўналишдаги ўзгаришлар** билан изоҳланади.


Апрель ойидаги реал самарали алмашув курси индекси динамикасида:

оширувчи омиллар: ички инфляция – 1,5 фоиз банд;

пасайтирувчи омил: савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – 1,7 фоиз бандни, савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – 0,2 фоиз банд ҳамда сўм алмашув курси – 0,9 фоиз бандни ташкил этди.

¹ Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга кўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланди

Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг **валюталари курси** апрель ойи давомида АҚШ долларига нисбатан **турлича динамикани намоён этди**:

- **Россия рубли апрель ойида 1,3 фоизга (81,8 дан 80,7 га) мустаҳкамланди.** Россия Марказий банки томонидан киритилган турли чекловлар юмшатилганлиги ҳамда фоиз ставкасини бироз пасайтирилишига қарамасдан савдо баланси профицит билан ижро этилиши рубл мустаҳкамланишига сабаб бўлди.
2022 йил биринчи чорагида Россия савдо баланси 66,3 млрд. АҚШ доллар профицит билан ижро этилди.
Шунингдек, 29 апрель куни Россия Марказий банки асосий фоиз ставкасини 17 фоиздан 14 фоизгача пасайтируди.
- **Қозогистон тенгеси ҳам апрель ойида 3,8 фоизга (470,9 дан 452,9 га) мустаҳкамланди.**
Қозогистон Марказий банки 25 апрелда асосий фоиз ставкасини 13,5 фоиздан 14 фоизгача ошируди.
- **Турк лираси эса мазкур ой давомида бироз (0,2 фоизга) қадрсизланди.**

- Апрель ойида Хитойда кузатилган пандемиянинг янги тўлқини фонида юан **1,2 фоизга қадрсизланди**.

2022 йил апрель ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида **инфляция кўрсаткичи ўсишда давом этди**:

- **Россияда** ойлик инфляция март ойига нисбатан бироз секинлашиб, **1,6 фоизни (йиллик ҳисобда 18 фоизни)** ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, импорт қилинадиган автомобиллар, майший кимё воситалари ҳамда дори-дармонлар нархи ўсиши секинлашган.
- **Қозогистонда** ойлик инфляция **2 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **13,2 фоизга** етди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари ойлик 3,1 фоизга (**йиллик 17,9 фоизга**) ўсди.
- **Туркияда** ойлик инфляция **7,3 фоизга юқорилаб**, йиллик ҳисобда **70 фоизгача** ўсди. Нархлар ўсишига асосан озиқ-овқат ҳамда ёқилғи маҳсулотлари катта ҳисса қўшган. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **7,7 фоизга** ўсиб, йиллик **121,8 фоизга** етди.